

ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Саодуллаев Аброр Сайтуллаевич

Жиззах политехника институти

Электр технологияси кафедраси, катта ўқитувчи

saodullaevabror@mail.ru

Баҳодирова Севинч Баҳодир қизи

Жиззах политехника институти талабаси

sevinchbahodirova2302@gmail.com

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон энергетика тизимида олиб борилаётган амалий ишлар, янги қурилаётган қуёш фотоэлектр станциялари ҳақида маълумотлар берилган.

КАЛИТ СҮЗЛАРИ: актив қувват, қуёш энергетикаси, гидроэлектростанция, тифиз вақт, қувват коэффициенти;

Энергетика бу иқтисодиётнинг лакомативи бўлиб, бошқа тармоқларнинг нормал ишлашини ва аҳолининг турмуш шароитини белгилаб берувчи омилдир. Ҳозирда мамлакатимизда бир йиллик электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 67 миллиард 985 кВт соатни ташкил этмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан жадал ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз ва демографик ўсиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган элетр энергия мамлакатимиз электр энергия истеъмолчиларини тўлиқ ва узликсиз таъминлашда етмай қолаяпти. Шунинг учун қишининг совуқ кунлари ва ёзниг жазира мақсадида энергетика тармоқларида ўта юкланиш ҳисобига авария ҳолатлари учраб турибди ва истеъмолчилар таъминотида узилишлар содир бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий электр энергия ишлаб чиқарувчи электр станциялари органик ёқилғилар ёқиши ҳисобига энергия ишлаб чиқаради. Органик ёқилғиларнинг захиралари чекланган. Бундан ташқари органик ёқилғилар ёнганда чиқадиган ис гази экологияга жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Барча нарса инсон қадри, унинг яхши яшashi ва ўзини баҳтли хис қилишига қаратилган халқпарвар сиёсат олиб бораётган ҳукуматимиз мамлакатимиз энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича катта амалий ҳаракатларни бошлаб юборган. Мисол учун 2018-2022 йилларда 3300 МВт дан ортиқ янги қувватлар ишга туширилди, шу жумладан 3150 МВт ИЭС ва 150 МВт гидроэлектр станциялари ҳисобига Ўзбекистон энергетика саноатининг ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди. Натижада, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш кўрсаткичлари 2015 йилга нисбатан 30 фоизни ташкил этди.

2023-2026 йиллар давомида мамлакатимизда қарийиб 4 ГВт қуёш ва шамол электр станциялари, шунингдек 880 МВт гидроэлектр станциялари ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, электр энергияси бўйича Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақавий савдо масаласи, экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, қулай шароитда импортни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Афғонистон билан қўшма лойиҳа – узунлиги 245,6 км бўлган 500 кВ “Сурхон-Пули-Хумри” электр узатиш тармоғи, Тоҷикистон энергетика тизими билан боғланиш учун узунлиги 64 км бўлган 500 кВ кучланишли “Ғузор-Регар” электр узатиш тармоғини тиклаш ишлари режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича президентимизнинг 2022-йил 9-сентябрда ПФ-220-сонли “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони эълон қилинди. Бу фармонда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш механизмларини



Lobachevsky
University



N

*

настоящая

наука



жорий этиш, ушбу манбалар орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишини рағбатлантириш кўзда тутилган.

Фармонга мувофиқ ҳудудлардаги 34 мингдан ортиқ объектларда, шу жумладан 619 та «Янги Ўзбекистон» массиви ва 28 мингдан зиёд хонадонларда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш ҳамда вазирлик ва идоралар кесимида 6 мингдан ортиқ объектларда энергия сарфи ҳажмида муқобил энергия манбалари улушкини 30 фоизга етказиш назарда тутилган. Бундан ташқари 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектрстанцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи орган томонидан кафолатланган тарзда сотиб олиниши белгилаб қўйилган. Қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектрстанцияларни қуриш бўйича лойиха ташаббускорлари Энергетика вазирлиги буюртмаси асосида «E-AUKSION» электрон савдо майдончасида ўтказиладиган ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тарифини пасайтириб бориш юзасидан электрон аукцион натижалари асосида аниқланади. Бунда, бошланғич нарх II гурӯҳ истеъмолчилари учун белгиланган тарифга нисбатан:

куввати 500 кВтгача бўлган гидроэлектрстанцияларга 150 фоиз миқдорида;

куввати 500 кВтдан 2 МВтгача бўлган гидроэлектрстанцияларга 120 фоиз миқдорида;

куввати 2 МВтдан 5 МВтгача бўлган гидроэлектрстанцияларга 100 фоиз миқдорида белгиланади.

Бюджет ташкилотлари ҳозирда қуввати 100 кВт бўлган қуёш фотоэлектр қурилмаларини ўрнатишни бошлади. Бундай муқобил энергия манбаъларидан фойдаланиш энергетика тизимининг қувват коэффициентини оширади. Тармоқда энергия истеъмоли ошиб, энергия етишмаётган тифиз вақтларда кам миқдорда бўлсада энергия истеъмолини қоплашга ёрдам беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAT RO'YXATI

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-220-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-436-сон қарори.
3. <https://yuz.uz/news/jahon-energetika-haftaligida-ozbekiston-islohotlari-taqdim-etildi>

2-SHO'BA

AVTOMATIK BOSHQARISH JARAYONLARINI QO'LLASH USULLARI, ALGORITMLARI VA DASTURIY TA'MINOTI.

SECTION 2

METHODS, ALGORITHMS AND SOFTWARE FOR AUTOMATIC CONTROL PROCESSES.

СЕКЦИЯ 2

МЕТОДЫ, АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОЦЕССОВ АВТОМАТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ.



Lobachevsky
University

